

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**Кулёзма ҳукукида
УДК: 336.713+339.187,62(575.1)**

УТАНОВ ТУРГУН НАРКОБИЛОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ
ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08. - «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»

**иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2009

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Ибрагимов Абдугапур Каримович.

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Ҳасанов Баходир Акрамович;

иқтисод фанлари номзоди
Марпатов Мавлон Даданевич.

Ётақчи ташкилот: Акциядорлик тижорат «Ипотека» банки.


Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2009 йил «13» ноябр соат 14⁰⁰ да утадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кучаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил «6» октябрь да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари номзоди



Д. Мирзаев.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Айни пайтда Ўзбекистонда иқтисодий эркинлаштириш шароитида бизнес операциялари турларидан бири-лизингдан кенг куламада фойдаланилмоқда. Ушбу жараёнда асосий воситалар миллий мажмуини жаҳон стандартлари даражасидаги янги техникалар билан таъминлашда аввало маблағ ажратаётган молия институтлари, шу жумладан, тижорат банклари муҳим ўрин эгаллайди. Бунинг боиси шуки, иқтисодийдаги ҳужалик юритувчи субъектлар, жумладан, кичик ва хусусий бизнес субъектлари доимо кредит олиш имкониятига тула эга бўлавермайди. Шу сабабли, ноанъанавий молиявий воситалардан бири ҳисобланган лизинг хизмати эҳтиёж тугилди. Ушбу хизмат тури етарлича бошланғич сармоёга эга бўлмаган тадбиркорлар ва тижорат банклари учун маъқул бўлганлиги сабабли, жадал суръатларда ривожлана бошлади. Лизинг операциялари ривожланишига бўлган эҳтиёж тижорат банкларида амалга оширилаётган лизинг операциялари ҳисоби ва аудитини янада такомиллаштириш заруриятини юзага келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ушбу масаланинг муҳимлиги туғрисида тўхталиб: «Маълумки, иқтисодий янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банк – молия тизими, лизинг, аудиторлик, сугурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Утган йил давомида банк фаолияти, аудиторлик ва сугурта компаниялари буйича қонунчиликни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар қилинди. Бу амалий чора-тадбирлар авваломбор аҳолининг янги шаклланаётган бозор институтлари ва механизмларига нисбатан ишончини мустаҳкамлашга қаратилганини қайд этиш лозим»¹, дея таъкидлаб ўтадилар.

Ҳужалик субъектлари учун тижорат банклари томонидан бажарилаётган лизинг операциялари капитални молиялаштиришнинг ноанъанавий усулларидан бири бўлиб, унда ижара муносабатлари, гаров остидаги кредитли молиялаштириш элементлари, қарзий мажбуриятлар буйича ҳисоб-китоблар ва бошқа молиявий механизмлар мужассамлашган. 2008 йилда республикада 61 та лизинг берувчилар актив фаолият курсатган бўлса, шундан 29 таси лизинг компаниялари, 20 таси тижорат банклари ва 12 таси бошқа асосий фаолияти лизинг бўлмаган компаниялардан иборат бўлган. Агар 2003 йилда лизинг операциялари умумий ҳажми 37,9 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб унинг ҳажми 266,2 млн. АҚШ долларига етди. Шу йили лизинг бозорининг 63,2% лизинг компаниялари, 35,2% банклар ва 1,6% бошқа лизинг берувчилар ҳиссасига туғри келган².

2008 йилда кишлоқ ҳужалиги техникаларини лизингга олиш буйича

¹ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий тизимни барқарор ривожлантириш йулида – Т «Ўзбекистон», 2008. –Б. 205

² <http://ula.uz/ru/leasing/uzbekistan> «Лизинг в Узбекистане» (2008).

амалга оширилган ишлар хусусида тухталиб ўтган Юртбошимиз куйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: «Кишлоқ хужалиғи техникасини лизинг асосида сотиб олиш бўйича махсус ташкил этилган Фонд ҳисобидан ушбу мақсадлар учун 2008 йили 43 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлса, 2009 йилда 58 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йуналтириш режалаштирилмоқда»³. Албатта, ушбу масалани ҳал этишда тижорат банкларининг роли янада ошади.

Ҳозирги кунда лизинг фаолиятининг самарадорлиги ишлаб чиқаришни молиялаштириш бўйича банкларнинг ишбилармонлар доираси билан узаро муносабатларини янада ривожланиши учун шарт-шароит яратмоқда.

Тараққий этган мамлакатларда лизинг молиялаштиришнинг устувор ва истикболли услубларидан бири булиб, лизинг операцияларининг тижорат банклари орқали амалга оширилиши мижозлар ва тижорат банклари учун қатор қулайлик ва афзалликларни келтириб чиқаради. Тижорат банкларида амалга ошириладиган лизинг операцияларининг барқарор суръатларда ўсиши уларнинг ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришни тақозо этади. Иктисодийни модернизациялаш шароитида тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини жадаллаштиришда лизинг операцияларини ривожлантириш, унинг ҳисобини туғри ташкил этиш, юритиш ва аудит мониторингини олиб боришни такомиллаштиришнинг муҳимлиги ушбу диссертация иши мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг зарурлиги шундаки, унинг асосида авваламбор бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ислох қилиш ётса, пировард натижада у мамлакатда рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда хужалиқ субъектлари иктисодий салоҳиятини ўстириш имкониятини яратади.

Муаммонинг урганилганлик даражаси. Тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳисоби ва аудити масалалари хорижлик иктисодчи олимлардан А.Аренс, Г.Н. Белоглазова, Н.М.Васильев, В.Д.Газман, В.А.Горемыкин, А.Г.Грязнова, Е.П.Жарковская, Е.Ф.Жуков, С.Н.Катрин, Г.Н.Кролевская, Н.Н.Куницин, А.Лебедев ва Л.Н.Лепе⁴ асарларида тадқиқ этилган.

Мамлакатимиз иктисодчи олимларидан Р.Д.Дусмуратов,

³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари Т.: «Ўзбекистон», 2009. –Б. 22.

⁴ Аренс А. Основы аудита. –М.: «ЮНИТИ», 1995, -398 с.; Белоглазова Г.Н., Кроливецкая Г.Н., Лебедев Е.А. Аудит банков. –М.: «Финансы и статистика», 2001. -352 с.; Васильев Н.М., Катрин С.Н., Лепе Л.Н. Лизинг как механизм развития инвестиций и предпринимательства. –М.: «Финансы и статистика», 1999. -280с.; Газман В.Д. Лизинг: теория, практика, комментарии. –М.: «Правовая культура», 1997, -416 с.; Горемыкин В.А. Лизинг. –М.: «Дашков и К», 2003, -944 с.; Грязнова А.Г. Лизинговые, факторинговые и форфейтинговые операции банков. –М.: «ДеКА», 1195, -112 с.; Жарковская Е.П. Банковское дело. –М.: «Омега-Л», 2006, -452 с.; Жуков Е.Ф. Банки и банковские операции Учебник для ВУЗов. –М.: «ЮНИТИ», 1997, -128 с.; Куницин Н.Н., Хисамутдинов В.В. Банковский аудит. –М.: «Финансы и кредит», 2005, -128 с.

А.К.Ибрагимов, Н.Ф.Каримов, З.Т.Маматов, С.Норқобилов, Х.А.Ортиқов, О.Ш.Собиров, М.А.Юлдашев, О.М.Қулжонов, Д.Ғ.Ғозибек, Ш.У.Ҳайдаров ва Б.А.Ҳасановлар⁵ лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг долзарб мавзуларини таҳлил қилишга ўз хиссаларини қўшганлар. Лекин, ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳисоби ва аудити муаммолари тўлиқ ва чуқур тадқиқ этилмаган. Жумладан, О.М.Қулжоновнинг «Иқтисодий эркинлаштириш шароитида лизинг муомалалари бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш» мавзусидаги номзодлик диссертациясида хужалик субъектларида лизинг муомалалари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартини халқаро ҳисобот стандартларига мувофиқлаштириш масалалари, сублизинг шартномасининг намунавий лойиҳасини тавсия этиш, лизинг туловларини ҳисоблаш ва уларни аниқлаш, лизинг муомалаларини бошланғич хужжатларининг намунавий шаклларини қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган⁶. М.А.Юлдашевнинг «Ўзбекистонда лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари» мавзусидаги номзодлик диссертациясида «Ижара ҳисоби» номли 6-сонли БҲМСни «Лизинг ва ижара ҳисоби» деб номлаш ва уни такомиллаштириш, молиявий ҳисобот шаклларида лизинг ва ижара курсаткичларини алоҳида сатрларда акс эттириш, лизинг операцияларини ифодалайдиган соддалаштирилган счётлар корреспонденцияси, лизингга олинган мулкларни қайта баҳолаш бўйича услубий курсатмалар ва лизинг туловини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган⁷. Юқорида қайд қилинган илмий-услубий ишларда асосий эътибор хужалик субъектларида лизинг ҳисобига қаратилган бўлиб, тижорат банкларида лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисобида юритиш, уларнинг аудитини ташкил этиш масалалари яхлит тизим сифатида ўрганилмаган.

Тижорат банкларида лизинг операциялари ҳисоби, уларнинг аудитини ташкил этиш, ташки ва ички аудитда лизинг операцияларининг аудиторлик текшируви масалаларининг ишлаб чиқилмаганлиги ушбу диссертациянинг мавзуси, мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан

⁵ Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2003, -612 б.; Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит. -Т.: «ҒАН», 2006, -262 б.; Норқобилов С., Ортиқов У. Банк аудити. Уқув қўлланма. -Т.: Молия институти, 2004, -160 б.; Ризакулов А.А., Ибрагимов А.К., Усанов А.У., Ҳасанов Б.А., Маматов З.Т. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари 1,2,3-қисм. Русчадан таржима. -Т.: «ҒАН», 1994, -107 б., -103 б., -97 б.; Юлдашев М.А. Ўзбекистонда лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари ва ф.и. илмий даражаси учун дис. автореф. -Т.: БҒА, 2008. -21 б.; Ғозибек Д.Ғ., Собиров О.Ш., Муминов А.Ғ., Қулжонов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. -Т.: «Ған ва technology», 2004, - 308 б.; Ҳайдаров Ш.У., Ортиқов Х.А., Тўхсанов Х.А. Лизинг: тан олиш, баҳолаш ва унинг ҳисоби. -Т.: «NORMA» МҶЖ, 2006. -248 б.

⁶ Қулжонов О.М. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида лизинг муомалалари бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш ва ф.и. илмий даражаси учун дис. автореф. -Т.: БҒА, 2005. -22 б.

⁷ Юлдашев М.А. Ўзбекистонда лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари ва ф.и. илмий даражаси учун дис. автореф. -Т.: БҒА, 2008. -21 б.

боғлиқлиги. Диссертация мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.**

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот олдига қўйилган мақсадга эришиш учун қўйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- тижорат банклари ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида тижорат банклари томонидан курсатиладиган лизинг операцияларини янада ривожлантириш йулларини аниқлаш;

- тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг ҳисобини ташкил этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

- лизинг операцияларини тижорат банкларининг ҳисобварақлари режасида ақс эттириш тартибини такомиллаштириш;

- тижорат банкларининг ҳисоб сисъатида ва молиявий ҳисоботларида лизинг операциясини ифодалаш бўйича амалий тавсиялар бериш;

- лизинг операцияларининг ички банк аудитини амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш;

- тижорат банкларида лизинг операциялари аудити амалиётини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти бўлиб **Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳисоби ва аудит тизими ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банкларида лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ташкил этиш жараёнида содир бўладиган институционал-иқтисодий муносабатлар йиғиндиси тадқиқотнинг предметини ташкил этади.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, қиссий таҳлил, эксперт баҳолаш, иқтисодий-статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси шундан иборатки, ишда берилаётган илмий таклиф ва амалий тавсияларни амалиётда қўллаш натижасида тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳисоби янада ойдинлашади, уларнинг молиявий ҳолатини тўғри баҳолаш, таваккалчиликларнинг олдини олиш, фойда ва рентабелликни ошириш ҳисобига молиявий барқарорлик таъминланади.

Ҳимояга олиб чиқиляётган асосий ҳолатлар. Тадқиқот ишида тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш юзасидан қўйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- тижорат банкларида лизинг операцияларини янада ривожлантириш йуллари ва имкониятлари очиб берилди;

- тижорат банкларида лизинг операциялари ҳисобини бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши илмий асосланди;

- тижорат банкларининг лизинг операциялари аудитини ташкил этиш ва уларни такомиллаштириш тартиби ишлаб чиқилди.

Илмий янгилиги иқтисодийни модернизациялаш босқичида тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади:

- тижорат банкларининг лизинг операцияларини амалга ошириш жараёнлари таҳлил қилинди ва уларни янада ривожлантириш бўйича илмий таклифлар берилди;

- лизинг операцияларини тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши илмий асосланди;

- лизинг операцияларини тижорат банклари ҳисобварақлари режасида акс эттириш тартибини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди;

- тижорат банкларининг ҳисоб сиёсатида ва молиявий ҳисоботларида лизинг операциясини тулик ифодалаш тартиби асослаб берилди;

- лизинг операцияларининг аудит қилиш тартиби ва дастури ишлаб чиқилди;

- тижорат банкларида лизинг операциялари аудитини ташкил этиш ва уни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш йўналишлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида лизинг муомалаларини бухгалтерия ҳисобида юритишни халқаро ва миллий стандартларга мос равишда ҳисобга олиш, лизингнинг аудитини ташкил этиш ва уни амалга оширишда юзага келаётган муаммоларни ижобий ҳал этиш билан белгиланади, чунончи:

- лизинг муомалаларини юритишда бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақларида акс эттириш тартиби тўғри ташкил этилишини таъминлайди;

- тижорат банкларида асосий воситаларни лизингга бериш тартибини бухгалтерия ҳисобида юритиш ва уларнинг бошланғич ҳисобини турли мулкчилик шаклларига мос ҳолда ҳисобга олиш имконини беради;

- тижорат банкларида амалга оширилаётган лизинг операциялари аудитини тўғри ташкил қилиш орқали лизингга берилаётган ва олинаётган объектлардан самарали фойдаланишни кафолатлайди.

Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртлирида «Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби», «Амалий аудит», «Тижорат банкларининг ички ва ташқи аудити» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти тижорат банкларида лизинг операциялари ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришда намоён бўлади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (МБнинг 18 март 2008 йил 15-28/3-236-сонли маълумотномаси) томонидан тижорат банклари фаолиятига татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси очик акциядорлик тижорат «Туронбанк» (2008 йил 20 майдаги далолатномаси) ва хусусий очик акциядорлик тижорат биржа банки «Трастбанк» (2008 йил 4 июлдаги далолатномаси) томонидан амалиётда фойдаланиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация иши натижалари «Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари» (2005, Тошкент), «Роль муниципальных финансов в решении социально-экономических задач» (2006, Самара), «Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимининг ривожланиши» (2006, Тошкент), «Дальнейшее углубление реформ в банковско-финансовой системе Узбекистана» (2007, Ташкент), «2007 йилда Банк-молия тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва қуламини кенгайтириш» (2007, Тошкент), «Банк тизимини такомиллаштириш ва тижорат банклари инвестицион фаоллигини ошириш» (2009, Тошкент) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар кўринишида баён қилинган ва маъқулланган.

Диссертация иши Банк-молия академияси, Тошкент Молия институти, Тошкент Давлат иқтисодий университетини бирлашган илмий семинарлари ва Банк-молия академияси хузуридаги Бирлашган ихтисослашган кенгаш хузуридаги илмий семинар мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мазмуни ва натижаларининг умумий ҳажми 3,2 б.т. дан иборат бўлган 3 та журнал мақоласи ва 6 та илмий маъруза тезисларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни 125 саҳифадан иборат бўлиб, унда 9 та жадвал, 3 та расм ва 3 та илова келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида лизинг амалиётлари ривожланаётганлиги ва унинг турли шаклларда қўлланилаётганлиги сабабли, лизинг туғрисидаги мавжуд тушунчалар моҳиятини очиқ бериш ва унга аниқлик киритиш илмий-амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Лизингнинг асосан тadbirkorлик фаолияти ривожланишида, яъни рақобат кураши натижасида пайдо бўлганлиги, тadbirkorлик фаолиятини рағбатлантириш ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш учун муҳим восита эканлигини алоҳида

таъкидлаб ўтиш лозим. Бу эса, тижорат банклари томонидан бажариладиган лизинг операциялари ва улар ҳисобига алоҳида таъсир қилади.

Иқтисодий адабиётда лизингнинг кўп тарқалган қуйидаги гуруҳлаш ёндашуви мавжуд: оператив ёки хизмат курсатувчи лизинг; молиявий, капитал ёки тўғри лизинг; қайтариладиган лизинг⁸. Лекин, унда лизингнинг тулик моҳияти ва хусусиятлари очиб берилмаган. Шу сабабли, муаллиф томонидан қуйидагича (1-расмга қаранг) умумлашган гуруҳлаш ёндашуви таклиф этилди. Ушбу ёндашув асосида лизингнинг оддий ва мураккаб хусусиятлари бўйича гуруҳланиши ётади. Шу нуқтан-назардан улар муаллиф томонидан умумлаштирилиб, умумий ва хусусий томонлари ҳисобга олинди.

2008 йилда Ўзбекистонда лизингнинг маҳаллий манбалар ҳисобига асосий капиталга жалб қилинган инвестициялардаги улуши 2003 йилга нисбатан 2,7%дан 4,1%гача ошган, мамлакат ЯИМдаги улуши 0,5 бандга ошиб, 0,9%ни ташкил қилган. Лизингга берилган мол-мулклар ҳажми 2003 йилга нисбатан 7 баробарга ортган⁹.

Лизинг берувчиларнинг 2003-2008 йилларда лизинг бозоридаги улушининг ўзгаришини 1-жадвал маълумотлари асосида кузатиш мумкин:

1-жадвал
Жами лизинг бозоридаги лизинг берувчиларнинг улуши¹⁰

Йиллар	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Лизинг компаниялари						
- мулклар қиймати, (АҚШ доллари)	30,5	33,1	59,3	57,3	85,1	168,3
- улуши, (%)	80,5	76,3	72,7	53,3	50,1	63,2
Банклар						
- мулклар қиймати, (АҚШ доллари)	6,7	10,2	19,2	46,4	80,2	93,6
- улуши, (%)	17,7	23,5	23,6	43,1	47,3	35,2
Бошқалар						
- мулклар қиймати, (АҚШ доллари)	0,7	0,1	3,0	3,9	4,4	4,3
- улуши, (%)	1,8	0,2	3,7	3,6	2,6	1,6
ЖАМИ:	37,9	43,4	81,5	107,6	169,7	266,2

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2008 йилда лизинг операциялари ҳажмининг аксарият қисми (63,2%) лизинг компаниялари ҳиссасига тўғри келган. Тижорат банклари томонидан бажарилаётган лизинг операциялари ҳажми барқарор суръатларда ўсиб борган, 2008 йилда жами лизинг операцияларининг 35,2%ини ташкил этган, яъни 93,6 млн. АҚШ доллари миқдоридagi лизинг операциялари амалга оширилиб, ушбу курсаткич 2003 йилга нисбатан қарийб 14 марта кўпдир.

⁸ Қазимагамедова А.А., Гаджиев А.А. Денги, кредит, банки. Учениебик -М: Издательство «Экзамен», 2007. -С. 232-233.

⁹ <http://ula.uz/ru/leasing/uzbekistan>. «Лизинг в Узбекистане» (2008)

¹⁰ <http://ula.uz/ru/leasing/uzbekistan>. «Лизинг в Узбекистане» (2008)

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (МБнинг 18 март 2008 йил 15-28/3-236-сонли маълумотномаси) томонидан тижорат банклари фаолиятига татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси очик акциядорлик тижорат «Туронбанк» (2008 йил 20 майдаги далолатномаси) ва хусусий очик акциядорлик тижорат биржа банки «Трастбанк» (2008 йил 4 июлдаги далолатномаси) томонидан амалиётда фойдаланиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтishi. Диссертация иши натижалари «Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари» (2005, Тошкент), «Роль муниципальных финансов в решении социально-экономических задач» (2006, Самара), «Муस्ताқиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимининг ривожланиши» (2006, Тошкент), «Дальнейшее углубление реформ в банковско-финансовой системе Узбекистана» (2007, Ташкент), «2007 йилда Банк-молия тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва қуламини кенгайтириш» (2007, Тошкент), «Банк тизимини такомиллаштириш ва тижорат банклари инвестицион фаоллигини ошириш» (2009, Тошкент) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар қуринишида баён қилинган ва маъқулланган.

Диссертация иши Банк-молия академияси, Тошкент Молия институти, Тошкент Давлат иқтисодий университетини бирлашган илмий семинарлари ва Банк-молия академияси ҳузуридаги Бирлашган ихтисослашган кенгаш ҳузуридаги илмий семинар мажлисида муҳокама қилинган ва химоятга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мазмуни ва натижаларининг умумий ҳажми 3,2 б.т. дан иборат бўлган 3 та журнал мақоласи ва 6 та илмий маъруза тезисларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни 125 саҳифадан иборат бўлиб, унда 9 та жадвал, 3 та расм ва 3 та илова келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида лизинг амалиётлари ривожланаётганлиги ва унинг турли шаклларда қўлланилаётганлиги сабабли, лизинг тўғрисидаги мавжуд тушунчалар моҳиятини очиқ бериш ва унга аниқлик киритиш илмий-амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Лизингнинг асосан тадбиркорлик фаолияти ривожланишида, яъни рақобат кураши натижасида пайдо бўлганлиги, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш учун муҳим восита эканлигини алоҳида

таъкидлаб ўтиш лозим. Бу эса, тижорат банклари томонидан бажариладиган лизинг операциялари ва улар ҳисобига алоҳида таъсир қилади.

Иқтисодий адабиётда лизингнинг кўп тарқалган қуйидаги гуруҳлаш ёндашуви мавжуд: оператив ёки хизмат курсатувчи лизинг; молиявий, капитал ёки тўғри лизинг; қайтариладиган лизинг⁸. Лекин, унда лизингнинг тўлиқ моҳияти ва хусусиятлари очиб берилмаган. Шу сабабли, муаллиф томонидан қуйидагича (1-расмга қаранг) умумлашган гуруҳлаш ёндашуви таклиф этилди. Ушбу ёндашув асосида лизингнинг оддий ва мураккаб хусусиятлари бўйича гуруҳланиши ётади. Шу нуқтан-назардан улар муаллиф томонидан умумлаштирилиб, умумий ва хусусий томонлари ҳисобга олинди.

2008 йилда Ўзбекистонда лизингнинг маҳаллий манбалар ҳисобига асосий капиталга жалб қилинган инвестициялардаги улуши 2003 йилга нисбатан 2,7%дан 4,1%гача ошган, мамлакат ЯИМдаги улуши 0,5 бандга ошиб, 0,9%ни ташкил қилган. Лизингга берилган мол-мулклар ҳажми 2003 йилга нисбатан 7 баробарга ортган⁹.

Лизинг берувчиларнинг 2003-2008 йилларда лизинг бозоридаги улушининг ўзгаришини 1-жадвал маълумотлари асосида кузатиш мумкин:

1-жадвал

Жами лизинг бозоридаги лизинг берувчиларнинг улуши¹⁰


Йиллар	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Лизинг компаниялари						
- мулклар қиймати, (АҚШ доллари)	30,5	33,1	59,3	57,3	85,1	168,3
- улуши, (%)	80,5	76,3	72,7	53,3	50,1	63,2
Банклар						
- мулклар қиймати, (АҚШ доллари)	6,7	10,2	19,2	46,4	80,2	93,6
- улуши, (%)	17,7	23,5	23,6	43,1	47,3	35,2
Бошқалар						
- мулклар қиймати, (АҚШ доллари)	0,7	0,1	3,0	3,9	4,4	4,3
- улуши, (%)	1,8	0,2	3,7	3,6	2,6	1,6
ЖАМИ:	37,9	43,4	81,5	107,6	169,7	266,2

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2008 йилда лизинг операциялари ҳажмининг аксарият қисми (63,2%) лизинг компаниялари ҳиссасига тўғри келган. Тижорат банклари томонидан бажарилаётган лизинг операциялари ҳажми барқарор суръатларда ўсиб борган, 2008 йилда жами лизинг операцияларининг 35,2%ини ташкил этган, яъни 93,6 млн. АҚШ доллари миқдоридagi лизинг операциялари амалга оширилиб, ушбу курсаткич 2003 йилга нисбатан қарийб 14 марта кўпдир.

⁸ Қазимагамедова А.А., Гаджиев А.А. Деньги, кредит, банки. Учебник -М.: Издательство «Экзамен», 2007. -С. 232-233

⁹ <http://ula.uz/ru/leasing/uzbekistan> «Лизинг в Узбекистане» (2008)

¹⁰ <http://ula.uz/ru/leasing/uzbekistan> «Лизинг в Узбекистане» (2008)



1-расм. Лизингнинг гуруҳланиши¹¹

¹¹ Муаллиф томонидан Ғозибеков Д.Ғ., Собирова О.Ш., Муминов А.Ғ., Қулжонов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. Тошкент, «Fan va texnologiya», 2004 -Б 308, Ҳайдаров Ш.У., Ортықов Х.А., Тухсанов Х.А. Лизинг: тан олиш, баҳолаш ва унинг ҳисоби. –Тошкент, «NORMA» МЧЖ, 2006. –Б. 248. китобларидан фойдаланиб тузилган.

Шундай булсада, лизинг операциялари таркибидаги муддати утган лизинг туловлари жами лизинг берувчилар буйича бор-йўғи 1,1% ни, тижорат банклари буйича эса 0,03 % ни ташкил қилган¹².

Хизматлар таркибида лизинг операцияларини амалга оширувчи банклардан бири ҳисобланган ОАТ «Туронбанк»нинг республикамиз лизинг бозоридаги иштироки фаоллашиб, кенгайиб бормоқда.

2-жадвал

ОАТ «Туронбанк»да курсатилган лизинг хизматлари таркиби ва динамикаси,¹³ (млн. сўмда)

Йиллар	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Йил бошига қолдиқ	0	33	109	95	758	2142	7481
- йил давомида ажратилган	35	105	62	815	2546	7266	13216
- йил давомида сундирилган	2	29	76	152	1162	1927	7708
Йил охирига қолдиқ	33	109	95	758	2142	7481	12989
Лизинг олувчилар буйича							
- жисмоний шахслар	0	0	15	23	282	0	0
- яқка тартибдаги тадбиркор	1	47	21	30	42	93	91
- давлат корхоналари	0	0	0	269	377	208	124
- қўшма корхоналар	0	0	0	0	561	531	1569
- хусусий корхоналар	16	51	51	436	631	6266	10858
- фермер хужаликлари	16	11	8	0	249	383	347
Лизинг объектлари буйича							
- бино ва иншоотлар	0	10	9	127	569	3727	8318
- автотранспорт воситалари	0	9	7	120	380	429	1865
- қишлоқ хужалиқ техникалари	16	3	13	162	371	510	430
- ускуна ва жиҳозлар	7	7	29	301	577	1638	1664
- бошқалар	10	80	37	48	245	1177	712
Уртача фойз ставкаси	27,1%	23,5%	21,4%	10,6%	14,2%	14,1%	12,4%
Қайта молиялаш ставкаси	30,0%	20,0%	20,0%	16,0%	14,0%	14,0%	14,0%


2-жадвал маълумотлари таҳлили курсатишича, ОАТ «Туронбанк»да 2008 йилда 2002 йилга нисбатан лизинг операциялари қолдиғи деярли 2394 баробар ортган ва улар буйича муддати утган қарздорликлар келиб чиқмаган.

Тижорат банкларининг лизинг бизнесига кириб келишининг биринчи сабаби шундаки, лизинг нисбатан катта ҳажмдаги капитал талаб қиладиган бизнес тури ҳисобланади. Тижорат банклари эса, бундай капиталга эга булган асосий субъектдир. Иккинчидан, лизинг хизматлари ўз иқтисодий табиати жиҳатидан банк кредитлашига жуда яқин. Лизинг операциялари тижорат банклари учун қатор афзалликларга эга, шу жумладан, лизинг операциялари буйича бизнес-режа тайёрлаш ва унинг мониторинги кредитлаш амалиётларига қараганда анча қулай ҳисобланади. Банкларда лизинг объектини кредит таъминоти сифатида қабул қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги қатор қулайликлар туғдиради.

¹² <http://ila.uz/ru/leasing/uzbekistan> «Лизинг в Узбекистане» (2008)

¹³ ОАТ «Туронбанк»нинг молиявий ҳисобот ва баланс маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Банклар томонидан молиявий лизингни амалга ошириш ва ҳисобга олиш тартибини 2-расмда туликрок куриб чиқиш мумкин:



2-расм. Банклар томонидан молиявий лизингни амалга ошириш ва ҳисобга олиш чизмаси¹⁴

Бунда: 1) банк томонидан лизингга ариза қабул қилинади ва лизинг олувчи билан музокаралар олиб борилади; 2) лизинг олувчининг молиявий ҳолати баҳоланиб, лойиҳанинг самарадорлиги туғрисида хулоса чиқарилади ва ижобий қарор қабул қилингандан сўнг лизинг шартномаси тузилади; 3) банк-лизинг берувчи томонидан сотувчига буюртма-наряд жўнатади ва улар ўртасида лизинг ашёсини сотиб олиш-сотиш шартномаси тузилади; 4) банк-лизинг берувчи томонидан маблағларни сотувчига ўтказилади; 5) сотувчининг банкида электрон тўлов тизими орқали келиб тушган маблағлар сотувчи ҳисобварағига кириб қилинади; 6) сотувчи лизинг объектини лизинг олувчига етказиб беради; 7) лизинг объектини фойдаланишга қабул қилингани туғрисидаги далолатнома лизинг берувчига тақдим этилади; 8) лизинг берувчи ҳар куни лизинг фойзини ҳисоблаб боради; 9) лизинг тўлови келиб тушганидан сўнг, банк томонидан тегишли бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг туғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида лизинг объектига шундай таъриф берилган: «Тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан, корхоналар, мулкый комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кучар ва кучмас мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин...»¹⁵. Бундан қўринадики, лизинг объекти, албатта қонунчиликда белгиланганидан ташқари, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган мол-мулк, ашё бўлиши шарт. Фикримизча, ушбу шарт лизингнинг ижарадан фарқлантувчи асосий жиҳатларидан биридир. Шундай экан, лизинг объекти кейинчалик тадбиркорлик фаолияти мақсадида фойдаланишини кўзда тўтган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланмайдиган ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтмаган жисмоний шахсларга лизинг хизматлари кўрсатилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, жисмоний шахслар юридик шахс саналмаган ҳолда, яққа тадбиркорлик,

¹⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг туғрисида»ги Қонуни. -Т.: «Ўзбекистон», 1999. -116.

оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат ва деҳқон ҳужалиги шаклларида ҳам фаолият юритишлари мумкин.

Лизинг берувчи банкда лизинг объекти унинг хусусий мулки-асосий воситаси бўлсада, ҳеч қандай молиявий ҳисобот ёки баланс сатрларида акс эттирилмайди. Ушбу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, тижорат банкларида лизинг объектини баланسدан ташқари ҳисобварақларда мулк сифатида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банклари лизинг операцияларида лизинг олувчи бўлиб иштирок этганда, лизинг 16515-«Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи» номли ҳисобварақда лизинг объекти сифатида ва 22100-«Лизинг (молиявий ижара) буйича мажбуриятлар» номли ҳисобварақда мажбурият сифатида акс эттирилади. Шунинг билан бирга, лизинг объектини тиклаш ва такомиллаштириш билан боғлиқ харажатлар ва қайта баҳолашлар қиймати ҳам шу ҳисобварақда ҳисобга олинади. Лекин, булар лизинг объектига солиқлар буйича берилган имтиёзлар ҳисобини юртигида англашиловчиликларни келтириб чиқаради. Шунини ҳисобга олганда, 16515-«Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи» номли ҳисобварақни «Объектларни ижарага олиш ҳуқуқи» ва «Ижарага олинган объектларни такомиллаштириш ҳуқуқи» номли алоҳида ҳисобварақларга ажратиш, бунда «Объектларни ижарага олиш ҳуқуқи» номли ҳисобварақнинг дебет қолдиғидаги лизинг қийматини мулк солиғи тўлаш базасидан лизинг шартномаси амал қиладиган муддатгача чиқариб ташлаш лозим.

6-сонли «Ижара ҳисоби» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартининг 10-бандида лизинг объектлари тўғрисида шундай дейилган: «Ижара (лизинг) объектлари-истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай буюмлар, шу жумладан, корхоналар, мулкый комплекслар, алоҳида бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари, ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк (муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулклар бундан мустасно)»¹⁶. Ушбу таъриф лизинг объектини ижара объектидан тўла фарқлантира олмайди, чунки, лизинг объектлари, албатта, тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган мол-мулк бўлиши шарт. Бундан ташқари, стандартда лизингнинг таърифи молиявий ва оператив ижара таърифларидан ажратилиб кўрсатилган ва уларнинг ҳисоби алоҳида қайд этилиши белгиланган экан, лизинг объектини ижара объектдан алоҳида ажратиб кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва ислохотларнинг чуқурлаштирилиши натижасида тижорат банклари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, аудиторлик текширувларидан ўтказиш, ҳамда ҳисоб-китобни яхшилаш мақсадида уларга маслаҳат, йўл-йўриқ, ҳуқуқий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатадиган малакали хизматнинг янги шакли аудиторлик фаолиятига эҳтиёж янада кучаймоқда.

¹⁶ «Ижара ҳисоби» 6-сонли БҲМС. 24.04.2009 <http://www.NORMA.UZ>.

Аудиторлик фаолияти самарали булиши учун унинг пухта ва аниқ режаси, дастурини тузиш лозим. Аудитор режани яхши ва сифатли тузиши ҳамда ишларнинг қутилаётган ҳажмини аниқ ҳисобга олиши учун энг аввало, аудиторлик текширувини ўтказиш юзасидан тузилаётган шартнома шартларини ҳар томонлама муқаммал урганиши, ўтказилаётган аудитнинг энг муҳим масалаларини ажратиб олиши, махсус эътибор талаб қиладиган шартларни аниқлаши, текширилаётган фаолиятнинг предметини ҳисобга олган ҳолда янги қонунлар, низомлар, йуриқномалар ва бошқа алоқадор меъёрий ҳужжатларнинг аудитга таъсирини урганиши, ҳисоб тизимининг ишончлилик даражасини аниқлаши, тижорат банкининг филиаллари, бўлимлари ва махсус минибанкларида аудит ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигини урганиши, экспертларни жалб қилиш зарурлигини аниқлаши, ички назорат тизимининг самарадорлигини урганиб чиқиши ва баҳолаши лозим бўлади.

Ҳар қандай тижорат банки фаолиятининг аудитини ташкил этиш ва амалга оширишда, аудит ўтказиш тартиб - қоидаларини белгилашда умумназарий қоидаларига риоя қилинсада, бундай фаолиятларни ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш муҳим ҳисобланади. Хусусан, тижорат банкларида аудит фаолиятини ташкил этиш ва уларда аудит ўтказиш тартиб-қоидалари «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ Марказий банк томонидан тартибга солинади ва назорат қилиб борилади.

Тижорат банкларининг бошқа операцияларидан фарқли ўларок, лизинг операцияларини текширишда аудитнинг барча босқичлари - режалаштириш, аудиторлар гуруҳини тузиш, текширув ўтказиш, аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосаларини тузишда махсус ёндашув талаб қилинади.

Лизинг операцияларини текширишни режалаштириш босқичида бажариладиган тахлилий амаллар текширилаётган банк фаолиятини урганиш ва аудиторлик рискнинг даражасини пасайтиришга ёрдам беради. Тахлилий амаллардан тижорат банкларида бошқа ҳужалик юритувчи субъектларга қараганда анча самаралироқ фойдаланилади, чунки ҳисоб-китоблар нисбатан аниқ ва тезкор амалга оширилади, баланс қўнлик чиқарилади. Шунинг учун тижорат банкларининг ички аудит хизмати томонидан банк фаолиятини кузатиб бориш, операциялар тўғрисида тезкор маълумотлар олиш ёки Бош банкнинг бошқа тегишли бўлинмалари билан ҳамкорлик натижасида текширувга чиқмасдан, ишончли тарзда керакли умумий, жамланма, аналитик маълумотларга эга булиш мумкин. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, тижорат банкларининг лизинг операциялари аудитини режалаштиришда асосан текширилаётган филиал ҳолати, унинг жами кредит қўйилмаларидаги лизинг операцияларининг ҳажми, фойз ставкалари, ҳар бир лизинг операциясининг миқдори, уларнинг таъминланганлик даражаси ва бошқа маълумотлар текширувга кетишдан аввал Бош банкда йиғилиб, тўплаб

олиниши лозим. Бу эса, аудиторларнинг жойлардаги текширувларини энгиллаштиради, самарасини оширади ва вақтни тежайди. Шундан кейингина амалга оширилган лизинг операциялари буйича жойларга чикилиб текширилиши керак. Ушбу текширишда ҳужжатлар расмийлаштирилиши ҳолатининг аудити асосан Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва аудит ўтказиш стандартлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Тижорат банкларида лизингга фоизлар куйидаги формула орқали ҳисобланиши ва балансда кунлик акс эттириб борилиши лозим:

$$Л_{\phi} = (Л_{к} \times \Phi_{с} \times К_{а}) : К_{и} \quad (1)$$

бу ерда:

$Л_{\phi}$ – лизинг фоизи;

$Л_{к}$ – лизингнинг сундирилмаган қолдиқ суммаси;

$\Phi_{с}$ – фоиз ставкаси;

$К_{а}$ – лизингдан фойдаланганлик амалдаги кунлар сони;

$К_{и}$ – йилдаги кунлар сони.

Банклар лизинг операцияларида лизинг олувчилар бўлиб ҳам иштирок этишлари мумкин. Бунда аудиторлардан банк томонидан лизинг объектларини лизингга олиш буйича музокара, шартномаларнинг имзоланиши жараёндан тортиб, унинг техник ҳолати ва бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилганигача тулик текширилиши лозим. Айниқса, аудиторлар учун лизинг объектининг бухгалтерия ҳисобида юритилиши тартиби ва у буйича туловлар ҳисобининг тўғри олиб борилиши, шунингдек, лизинг объектидан лизинг шартномаси муддати мобайнида ва ундан кейингина фойдаланиш даражаси, самарадорлик натижаси ҳам муҳим масала бўлиб қолади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, лизинг операцияларининг узига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, Тижорат банкларининг лизинг операцияларини ички аудит текширувларидан ўтказиш тартиби ва амалга ошириш дастури ишлаб чиқилди.

Лизинг объектининг қандай сақланаётганлиги ва ундан қандай фойдаланилаётганлигини лизинг шартномаси муддати давомида жойига бориб текшириб куриш лизинг операциялари аудитини ташкил қилишнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир, чунки, бир томондан, лизинг объекти лизинг шартномаси муддати тугагунга қадар банк (лизинг берувчи)нинг мулки ҳисоблана, иккинчи томондан, у маълум муддатга банк маблағлари жойлаштирилган риск даражаси мавжуд фаолият объектидир. Лекин, бу иш иқтисодчи мутахассислар бўлган ички аудит ходимлари учун мураккаб ҳисобланади. Лизинг объектлари мижозлар тури ва фаолияти турлича бўлганлиги учун хилма-хилдир. Шундай экан, тижорат банклари лизинг операцияларини текширишда лизинг объектларининг технологик

хусусиятларини ҳисобга олиб, ҳар бирининг техник ҳолатини яхши тушунадиган малакали ходимларнинг бўлиши аҳамиятлидир.

Ташки аудит текширувларида лизинг операциялари бўйича олинган натижаларгина ўрганиб чиқилиши мумкин, лекин ички аудит хизмати ходимларини фақатгина ундан олинган жорий самарадорлик эмас, балки лизинг объектининг кейинги иқтисодий самарадорлиги ва техник ҳолати кизиктиради. Шундай экан, тижорат банкларида лизинг операцияларини ички аудит текширувларидан ўтказишда лизинг объектини иқтисодий ва техник ҳолатини яхши тушунадиган малакали мутахассислар ёрдамидан фойдаланиш лозим. Бунинг учун Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида лизинг объектларини техник ҳолатини кузатиш ва мониторингини олиб боришга ихтисослашган махсус Марказ ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий хулосалар олинди:

1. Лизингнинг хусусиятини ҳисобга олиб, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари талаблари асосида лизингнинг асосий гуруҳланиши аниқланди.

2. Ўзбекистонда лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш катта салоҳиятга эга. Лекин, бу иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришда давлат ва хусусий капитал қўйилмаларининг етишмаслиги билан чегараланиб қолмоқда. Лизинг хизматларини иқтисодиётнинг барча тармоқларида ривожлантириш зарур ва лизинг қийматини арзонлаштирадиган чоратадбирларни куриш лозим, деб ҳисоблаймиз. Энг аввало, бу қонунчиликдаги имтиёзлар ва эркинлаштиришлар бўлиши мумкин.

3. Қонунчилик ҳужжатлари билан идоравий меъёрий ҳужжатлар ўртасидаги мутаносиблик тижорат банклари томонидан бажариладиган лизинг операциялари ҳисобининг шаффофлигини ошириш имконини беради. Жумладан, лизингни тартибга соладиган амалдаги қонунчиликда жисмоний шахсларнинг битим субъектлари сифатида иштироки тўла ҳал қилинмаган. Бундай ҳолат тижорат банкларида амалга оширилаётган лизинг операциялари ҳисобига беvosита таъсир кўрсатади.

4. Тижорат банкларида лизинг операциялари уларнинг ҳисоб сиёсатиға мос келиши лозим. Ушбу нуқтага назардан лизингга берувчи банкда лизинг операцияларининг ҳисобини ташкил этишда асосан икки жиҳатиға эътибор бериш керак:

- лизингни дастлабки тан олинishi;
- лизингни кейинги ҳисоби ва уни баҳолаш.

5. Тижорат банкларида лизинг операциялари аудитининг барча bosқичлари—режалаштириш, аудиторлар гуруҳини тузиш, текширув ўтказиш, аудиторлик ҳисоботи ва хулосаларини тайёрлашда алоҳида ёндашув талаб қилинади. Тижорат банклари учун лизингнинг бошқа банк операцияларидан фарқи шундаки, бир томондан, лизинг кредит муносабатларининг шакли

хисобланса, иккинчи томондан, мазмунан асосий воситаларни ижарага бериш билан боғлиқ муносабатларга яқин туради.

Уқорндаги хулосалардан келиб чиққан ҳолда, республикада тижорат банклари лизинг операцияларини янада ривожлантириш, уларнинг ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш борасида қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Тижорат банкларининг лизинг операциялари қуламини янада кенгайтириш лозим.

2. Тижорат банкларида лизинг операцияларининг бошланғич ҳисобини турли мулкчилик шаклларига мувофиқ ҳисобга олиш лозим.

3. Лизинг объекти тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишини ҳисобга олиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган жисмоний шахслар учун очилган 15603-«Жисмоний шахсларга берилган лизинг» ва 45103-«Жисмоний шахсларга берилган лизинг бўйича фойзли даромадлар» ҳисобварақларини чиқариб ташлаш лозим.

4. Тижорат банкларининг ҳисоб снѐсатида ва молиявий ҳисоботларида лизинг операцияларини ва лизинг объектини тула ифодалаш лозим.

5. Тижорат банклари томонидан лизингга олинган лизинг объектлари ҳисобининг туғри ва аниқ юритилиши уларга нисбатан қўлланиладиган солиқ имтиѐзларининг туғри қўлланишига ва таъсирчанлигини қучайишига олиб келади.

6. «Ижара ҳисоби» номли 6-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида лизинг объектини ижара объектдан алоҳида ажратиб кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

7. Тадқиқот жараѐнида тижорат банкларининг лизинг операцияларини ички аудит текширувларидан утқазиш тартиби ва амалга ошириш дастури ишлаб чиқилиб, амалиѐтга жорий этилди.

8. Тижорат банкларидаги лизинг операцияларининг ички аудит текширувига малакали мутахассисларни жалб этиш лозим. Бунинг учун Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида лизинг объектларини техник ҳолатини кузатиш ва мониторингини олиб боришга ихтисослашган махсус Марказ ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Қулжонов О.М., Утанов Т.Н. Ўзбекистонда тижорат банклари лизинг операциялари ҳисобини такомиллаштиришнинг айрим масалалари// Ўзбекистон Республикаси банк ва молня тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент, 2005. -Б.450-452.

2. Ибрагимов А.К., Утанов Т.Н. Учет лизинговых операций в финансовых институтах Республики Узбекистан. // Материалы международной научно-

Samqad Markazi
outs markazi
a-14117

практической конференции по теме Роль муниципальных финансов в решение социально-экономических задач. –Самара, 2006. –Б. 55-60.

3. Утанов Т.Н. Тижорат банкларининг лизинг операциялари аудитини ташкил этишнинг айрим масалалари // Мустакиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимининг ривожланиши мавзусидаги халқаро илмий – амалий конференция материаллари. –Тошкент, 2006. –Б. 186-187.

4. Утанов Т.Н. Тижорат банкларининг лизинг операциялари аудитини такомиллаштириш // Материалы международной научно-практической конференции по теме Дальнейшее углубление реформ в банковско-финансовой системе Узбекистана.-Москва, 2007. –Б.1169-170.

5. Утанов Т.Н. Тижорат банкларида лизинг операциялари хисобини юритиш // Бозор, пул ва кредит. -Тошкент, 2007. -№8. –Б. 43-46.

6. Жураев Н.Ю., Утанов Т.Н. Тижорат банкларида лизинг операциялари аудитини такомиллаштириш // 2007 йилда Банк-молия тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва қўламини кенгайтириш// Илмий ишлар тўплами.-Тошкент, 2007. –Б.64-66.

7. Утанов Т.Н. Тижорат банкларининг лизинг операциялари аудитини такомиллаштириш // Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2007. -№10. –Б. 54-56.

8. Утанов Т.Н. Тижорат банкларида лизинг операцияларининг аудити // Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2008. -№5. –Б. 26-29.

9. Ибрагимов А.К., Утанов Т.Н., Муминов М.А. Халқаро иқтисодий интеграция шароитида лизинг операциялари ҳисоби масалалари // «Банк тизимини такомиллаштириш ва тижорат банклари инвестицион фаоллигини ошириш» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2009. -Б. 195-197.

Иктисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Утанов Тургун Наркобиловичнинг 08.00.08-«Бухгалтерия ҳисоби, иктисодий таҳлил ва аудит» ихтисослиги бўйича «Тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: лизинг, лизинг операциялари, лизинг ҳисоби, тижорат банклари, лизинг объектлари ва субъектлари, банк аудити, лизинг аудити, ички аудит, ташқи аудит, аудитни режалаштириш.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳисоби ва аудити тизими ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, киёсий таҳлил, эксперт баҳолаш, иктисодий-статистик таҳлил.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: тижорат банкларининг лизинг операцияларини янада ривожлантириш бўйича илмий таклифлар берилди; тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳисобини бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши илмий асосланди; лизинг операцияларини тижорат банкларининг ҳисобварақлари режасида ифodalаш тартибини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилди; тижорат банклари ҳисоб снёсатида ва молиявий ҳисоботларида лизинг операцияларини тулик акс эттириш бўйича амалий тавсиялар берилди; лизинг операцияларини аудит қилиш тартиби ва дастури ишлаб чиқилди; тижорат банкларида лизинг операциялари аудити амалиётини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот ишида берилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳисоби ва аудитини ташкил этиш ва такомиллаштиришга хизмат қилади.

Татбиқ этиш даражаси ва иктисодий самарадорлиги: диссертация ишининг илмий таклиф ва амалий тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари фаолиятида, ОАТ «Туронбанк», ХОАТББ «Трастбанк» томонидан амалиётда фойдаланиш учун қабул қилинган. Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида «Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби», «Амалий аудит», «Тижорат банкларининг ички ва ташқи аудити» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: тижорат банклари, лизинг компаниялари, олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Утанова Тургуна Наркобиловича на тему: «Совершенствование учета и аудита лизинговых операций коммерческих банков» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.08-«Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит»

Ключевые слова: лизинг, лизинговые операции, учет лизинга, коммерческие банки, объекты и субъекты лизинга, банковский аудит, аудит лизинга, внутренний аудит, внешний аудит, планирование аудита.

Объекты исследования: система учета и аудита лизинговых операций коммерческих банков Республики Узбекистан.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций по совершенствованию учета и аудита лизинговых операций коммерческих банков.

Методы исследования: наблюдение, обобщение, группировка, сравнительный анализ, экспертная оценка, экономико-статистический анализ.

Полученные результаты и их новизна: даны научные предложения по дальнейшему развитию лизинговых операций коммерческих банков; научно обоснованы отражения в бухгалтерском учете лизинговых операций коммерческих банков; разработаны научные предложения по совершенствованию отражения лизинговых операций в плане счетов бухгалтерского учета коммерческих банков; предложены практические рекомендации по отражению лизинговых операций в учетной политике и финансовых отчетах коммерческих банков; разработаны порядок и программа проведения аудита лизинговых операций; разработаны научные предложения по организации и совершенствованию практики аудита лизинговых операций в коммерческих банках.

Практическая значимость: разработанные по результатам исследования научные предложения и практические рекомендации могут быть использованы при организации и совершенствовании учета и аудита лизинговых операций коммерческих банков.

Степень внедрения и экономическая эффективность: научные предложения и практические рекомендации диссертации приняты Центральным банком для внедрения в деятельность коммерческих банков Республики Узбекистан, в практику ОАК «Туронбанк» и ЧОАКББ «Трастбанк». Материалы исследования могут быть использованы в совершенствовании учебных программ курсов «Бухгалтерский учет в коммерческих банках», «Практический аудит», «Внутренний и внешний аудит коммерческих банков» в высших учебных заведениях.

Область применения: коммерческие банки, лизинговые компании, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Utanov Turgun Narkobilovich on the scientific degree competition of the candidate of economic sciences on specialty 08.00.08-«Accounting, economic analysis and audit», subject: «Perfection of accounting and audit of commercial banks' leasing operations»

Key words: leasing, leasing operations, leasing accounting, commercial banks, objects and subjects of leasing, banking audit, leasing audit, internal audit, external audit, audit scheduling.

Subject of research: system of accounting and audit of commercial banks' leasing operations of the Republic of Uzbekistan.

Purpose of work: elaboration scientific offers and practical suggestions directed at efficiency of accounting and audit of commercial banks' leasing operations.

Methods of research: observation, generalization, grouping, comparative analysis, expert estimation, economic-statistical analysis.

The results obtained and their novelty: scientific offers for further development of commercial banks' leasing operations were given, reflection in accounting of commercial banks' leasing operation were scientifically based, scientifically-motivated offers for improving of reflection leasing operations at card of accounts of commercial banks' accounting were elaborated, practical recommendations on reflecting leasing operations in accounting policy and financial reports were given, auditing order and program of leasing operations were carried out, scientifically offers of organization and development of audit practice for commercial banks' leasing operations were devised.

Practical value: the recommendations and suggestions which are issued at the end of the research can be used in organization and improving of accounting and audit of commercial banks' leasing operations.

Degree of embed and economic effectivity: scientific offers and practical suggestions of dissertation was adopted by Central Bank of Republic of Uzbekistan for introduction to commercial banks activity, Open Joint Stock Commercial Turonbank and Private Open Joint Stock commercial stock bank «Trastbank» were adopted for practical use. The results form research may be used in higher educational institutions for improvement and training such subjects as «Accounting in commercial bank», «Practical audit», «Internal and external audit in commercial banks».

Field of application: commercial banks, Leasing companies, higher educational institutions.

Тадқиқотчи

